O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Nurobod tumani
HOKIMI
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Нурабадского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

141100, Nurobod shaxri, Mustaqillik ko'chasi 2-uy,
Tel:633-16-34, Fax:231-98-81, nurobod@samarkand.uz

141100, г. Нурабад, ул. Мустакиллик, д-2
Тел:633-16-34, Факс: 231-98-81, nurobod@samarkand.uz

2018 йил «15» сентябр №112б-Қ

Нуробод тумани ҳокимлиги бошқарув аппарати, унинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги Низомларни ҳамда бошқарув аппарати ходимларининг функционал вазифаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги "Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-2691-сонли қарорига мувофиқ туман ҳокимлиги бошқарув аппарати фаолияти самарадорлигини янада ошириш, уларнинг масъулиятини кучайтириш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Вилоят ҳокимининг 2018 йил 8 сентябрдаги 603-Қ-сонли "Самарқанд вилояти ҳокимлиги бошқарув аппарати, унинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги Низомларни ҳамда бошқарув аппарати ходимларининг функционал вазифаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

1. Қуйидагилар:

Нуробод тумани ҳокимлиги бошқарув аппарати тўғрисидаги Низом 1-иловага;

Нуробод тумани ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи тўғрисидаги Низом 2-иловага;

Нуробод тумани ҳокимлиги иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари комплекси тўғрисидаги Низом 3-иловага;

Нуробод тумани ҳокимлиги саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари комплекси тўғрисидаги Низом 4-иловага;

Нуробод тумани ҳокимлиги инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари комплекси тўғрисидаги Низом 5-иловага;

Нуробод тумани ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари комплекси тўғрисидаги Низом 6-иловага;

Нуробод тумани ҳокимлиги ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича комплекси тўғрисидаги Низом 7-иловага;

Нуробод тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси комплекси тўғрисидаги Низом 8-иловага;

Нуробод тумани ҳокимлиги бошқарув аппарати ходимларининг функционал вазифалари тақсимоти 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимининг ўринбосарлари, таркибий бўлинмалар раҳбарлари, бошқарув аппарати ходимлари ушбу қарор билан тасдиқланган Низомлар ва функционал вазифалар тақсимоти талабларига тўлиқ риоя этсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, Низомлар ва функционал вазифаларга риоя этилмаслиги уларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ интизомий жазо чоралари қўлланилишига асос бўлиб ҳисобланади.

Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштириш бўйича таклифлар киритсинлар.

3. Туман ҳокимининг 2017 йил 1 майдаги 72-Ф-сонли фармойиш ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи (Л.Муқимов), девонхона бўлими (Г.Махаммадиева)лар туман ҳокимлиги бошқарув аппаратининг барча ходимларини ўз вазифалари билан таништирилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими **Ф.Заиров**